

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

109 «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
20 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2063-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 1-сон,

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

1-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 29 декабрдаги 39/1-сон «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2063, 2010 йил 13 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 1-2-сон, 12-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 16 февраль,
4/1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил
16 февралдаги 4/1-сонли қарорига
ИЛОВА

**«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни
легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши
курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари
учун тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит
ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон
Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган
чоралар ва санкциялар тўғрисида низомни тасдиқлаш
ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарорнинг номидан ва 1-бандидан «кредит уюшмалари,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Низомда:

а) номидан, муқаддимадан, 1-банддан, III бобнинг номидан, 6 ва 7-бандлардан «кредит уюшмалари,» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) 4-бандда:

иккинчи хатбошидан «кредит уюшмаси,» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«микрокредит ташкилотидан микрокредит ташкилотлари устав фондининг белгиланган энг кам миқдорининг бир фоизигача бўлган миқдоридан жарима ундириш»;

в) 5-банддан «кредит уюшмаси,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.